# Қишлоқ ҳақиқати

1995 йил 27 январь ЖУМА № 4 (5.628) сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий газетаси • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 1995—1996 ЙИЛЛАРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАЖМУИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1995—1996 йилларда агросаноат мажмуининг моддий-техника базасини тракторлар, пахта териш машиналари, асбоб-ускуналар билан мустаҳкамлаш ва қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари бир ой муддатда агросаноат мажмуи хўжаликлари, корхоналари ва ташкилотларидаги мавжуд барча қишлоқ хўжалиги техникасини қайта рўйхатдан ўтказсинлар, унинг техник ҳолатини аниқласинлар ҳамда белгиланган тартибда жисмоний эскирган техникани балансдан чиқарсинлар,

2. «Ўзмашсаноат» уюшмаси, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси 1995-1996 йилларда хўжаликларга энг муҳим қишлоқ хўжалиги техникасининг етказиб берилишини таъминласинлар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси, «Ўзмашсаноат» уюшмаси, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш», давлат-кооператив қўмитасининг 1995-1996 йилларда хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган пахта толасидан «Ўзмашсаноат» уюшмаси ва «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси корхоналарига материаллар, бутловчи буюмлар, техника ва эҳтиёт қисмлар олиб келиш учун пахта толаси ажратиш тўғрисидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси хўжаликлар томонидан берилган буюртномаларга биноан қишлоқ хўжалиги техникасига бўлган эҳтиёжни, ҳар қайси буртманома бўйича ушбу техникани сотиб олиш учун зарур бўлган пахта толаси ҳажмларини аниқласинлар ва умумлаштирилган материалларни бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсинлар.

5. «Ўзмашсаноат» уюшмаси ва «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси корхоналари бир ой муддатда хўжаликлар билан олдиндан етказиб бериладиган пахта толасига айирбошлаш эвазига уларга қишлоқ хўжалиги техникаси ва эҳтиёт қисмлар етказиб бериш, шунингдек, «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси билан пахта толасини Ўзбекистон Республикаси ташқарисига сотиш ҳамда бундан тушган маблағларга бутловчи буюмлар, қишлоқ хўжалиги техникаси ва улар учун эҳтиёт қисмлар етказиб бериш юзасидан шартномалар тузсинлар.

«Ўзмашсаноат» уюшмаси ва «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси корхоналарига пахта толасини Ўзбекистондан ташқарига етказиб беришни бевосита моддий-техника ресурслари ва эҳтиёт қисмлар етказиб берувчи корхоналарга, илгари тузилган шартномалар бўйича, бартер асосида амалга оширишга рухсат этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, давлат солиқ қўмитаси, «Ўзулгуржибиржасавдо», «Ўзмашсаноат» уюшмалари, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси ажратиладиган пахта толасини республика ташқарисига олиб кетиш ва сотиш бўйича ҳужжатларнинг белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласинлар.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

мавжуд техникадан фойдаланишни, уларнинг сақланишини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўрсинлар, техника сақланадиган бостирмалар ва майдончалар қурилишини таъминласинлар;

техникани тузатиш ва техника хизмати кўрсатиш учун хўжаликлар устахоналарининг ва «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси тузатиш корхоналарининг кувватларидан тўлиқ фойдалансинлар;

қишлоқ хўжалигининг механизаторларга бўлган эҳтиёжини икки йил мобайнида тўлиқ қондиришни ҳисобга олган ҳолда механизатор кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича икки ой муддатда аниқ дастур ишлаб чиқсинлар.

8. «Ўзмашсаноат» уюшмасининг қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари ишлаб чиқарилаётган машиналарнинг техник мустаҳкамлигини ва сифатини ошириш бўйича чора-тадбирларни бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарлари зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 26 январь.



Иштихон туманидаги Шариф Одилов номли ширкатлар уюшмаси деҳқонлари ҳозирдан кўкламги мавсумга пухта шайланишмоқда. Бу ерда мавжуд техника воситалари аллақачон тахт қилиб қўйилди.

СУРАТДА: (чапдан) илғор механизатор Ёлғош Раббимов ва хўжалик механиги Марди Суюновлар чигит экиш сеялкасини кўрикдан ўтказишмоқда.

Ҳакимжон СОЛИҲОВ олган сурат.

## ШАРОФАТИ БЕҚИЁС

Иншоолло, деҳқончиликда камол топиб, ёшлигимдан табаррук заминга меҳрим тушганлигидан қалбимда олам-олам фахрланиш туйғусини туяман. Отам Нурали Тожибоев 30 йилга яқин бир неча хўжаликларни бошқариб, эл-юрт ичида обрў топди, меҳнат — падари бузрукворим номини кўпчиликка танитди. Лекин ўша пайтларда деҳқонда мустақиллик деярли йўқ эди. Не бахтки, эмин-эркин меҳнат қиладиган, қадриятлар ўрнини топадиган даврлар бизнинг авлодга насиб этди.

Беназир Ўзбекистонимиз мустақил деб эълон қилинган қутлуғ йилда шу хўжаликка раҳбар бўлиб келдим. Дастлабки йилиёқ қолоқлик доғи ювилди. Пахта майдонларимизнинг ҳар гектаридан 31 центнердан хирмон кўтарилди.

Мана қарабсизки, бугунги кун талаби, иқтисодий ислоҳотлар масъулияти, келажакка ишончи устивор меҳнат аҳли билан хўжалигимизнинг олдинги шуҳратини тиклаяпмиз.

1994 йилда мўлжалланган ортиқ — ҳар гектар ер ҳисобига 33 центнердан «оқ олтин» хирмонини уйдик. Ҳосилдорлик айрим жамоаларда, чунончи, Тошпўлат Давронов, Ҳакимжон Исмоилов, Иминжон Ҳасанов бошлиқ бригадаларда 39-40 центнерга етди. Айни пайтда хўжалик миқёсидаги кўрсаткичдан паст натижага эришган жамоаларда ҳосилдорлик 27-29 центнерни ташкил этди. Бунга Нишонбой Асқаров, Абдурайим Эсонқуловлар етакчилик қилаётган бригадаларни кўрсатиш мумкин. Н. Асқаров бошлиқ 14-бригадада эса режа уддаланмай қолди. Бундай ўрта бўғин етакчилари замон талабларидан ортда қолганлигини, ташкилотчи ва ташаббускорлик иқтидори паст эканлигини тан олмасдан иложи йўқ.

Ғалла мустақиллигига эришиш — истиқлолимиз истиқболининг мустаҳкам пойдеворидир. Бу борада ҳам хўжалигимизда қутлуғ қадамлар қўйилди. Ғалла майдонлари икки баравар кенгайди — 186 гектарга етказилди. Ерларни пудратчиларга бўлиб берганмиз. Дон — ризқ-насибамиз эканлигини чуқур ҳис этган Турсунбой Акбаров, Нурдинбой Муҳиддинов каби ғаллакорлар даласида бултур ҳосил мўл бўлди. Улар ҳосилдорликни 39-40 центнерга етказишди. Хўжаликда 20 та шундай пудратчи — жамоа бор. Лекин Баҳодир Матазимов, Иброҳимжон Акбаров, Каримжон Иброҳимов, Абдумажид Назаров сингари пудратчилар шартномани бажармай, ҳар гектар ердан атиги 27-28 центнердан дон топширишди, холос. Жорий йилда улар ўз вазифаларидан бўшатилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда матбуотда эълон қилинган фармони қишлоқ меҳнат аҳли, умуман, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ҳаётида қувончли воқеа бўлди. «1995 йилги пахта ва бошоқли дон экинлари ҳосили етиштириш ҳамда давлатга сотишни иқтисодий рағбатлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги бу ҳужжат тарихимиз солномасидан муқим ўрин олади. Боиси — деҳқончилик осмонида қуёш яна ўн чандон зўр нур соча бошлади. Бу таъбиримда жон бор. Негаки, манфаатдорлик ошганда — рўзғор бут, дастурхон тағин ҳам тўкин, элимиз фаровон ва дориломон бўлажагига ишонч устиворлашади.

Бугун деҳқон даласини айланиб янги-янги режалар тузаяпти. Сарҳисобимизга кўра, ўтган йилги ҳосилдан 339 тоннаси хўжалигимиз ҳисобида қолди. Шунинг эвазига 14 миллион сўмга яқин даромад қилдик. Янги фармон шарофати билан амалдаги йилда янада мўмай даромад қилиш ниятидамиз.

Нафсиламбрини айтганда, меҳнат қилган элда азиз. Ўзбекистон халқи доимо ана шундай эъзозга муяссар бўлсин! Юртбошимиз пахтакору ғаллакорларни доимо қўллаб-қувватлаяпти. Рағбатлантирди ва илҳомлантирди. Бундай фармонларнинг қудрати улуғ, шарофати беқиёс!

Қодиржон ТОЖИБОЕВ,
Норин туманидаги «Хўжаобод» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси.

## Хабарлар оқими

· Бу йил 55 минг гектар суғориладиган майдонга кузги ғалла эккан Бухоро вилояти ғаллакорлари ўрим-йиғим тайёргарлигини ҳозирдан бошлаб юбордилар. Мавжуд 341 та комбайн ғалла ўрими учун етарли эмас. Шу боис Россиянинг Красноярск ўлкасидан 42 та комбайн харид қилинди. Мавжудларини сифатли таъмирдан чиқариш мақсадида Пешку туманидаги таъмирлаш ишлаб чиқариш корхонасида янги цех очилди. Ҳозир бу ерда вилоятдаги 50 дан ортиқ комбайн ўрим-йиғим мавсумига ҳозирланмоқда.

Шунингдек, кузги буғдой экилган барча туманларда қўшимча ғалла омборлари барпо этиляпти. Вилоят ҳокимлиги ҳосилни ташиш билан боғлиқ махсус тадбир ҳам ишлаб чиқди. Унга кўра автокорхоналар жамоа хўжаликларини етарли техника билан таъминлайди, вилоят нефть маҳсулотлари бирлашмаси ҳозирданоқ ёнилғи заҳираси яратишга киришди.

***

· Андижон вилоят агросаноат уюшмаси ташаббуси билан Балиқчи туманида ғаллакор деҳқон фермерларнинг бошоқли дон етиштиришни кўпайтиришга бағишланган кўргазмали семинар-кенгаши бўлди. Анжуман кун тартибидан мамлакатимиз дон мустақиллигига эришишида фермер хўжаликларининг ўрни ва аҳамияти, ҳосилдорликни оширишнинг ички имкониятлари, экинларни парваришлашда маҳаллий шароитларни инобатга олиш, шунингдек, экинзорларни муҳофаза этиш масалалари ўрин олди. Балиқчилик фермерлар бу йил ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилдилар.

Бундай семинар-кенгаш Асака, Избоскан, Пахтаобод туманларида ҳам бўлиб ўтди.

***

· Наманган вилоятида пиллачилар меҳнатини яхши ташкил этиш, уларни мавсумда жуда кўп муаммолардан халос қилади. Хўжаликларда ташкил этилган пиллачилик бригадалари қиш кунларида тут дарахтларини парвариш қилмоқда, уларни минерал ўғитлар билан озиқлантирмоқда. Бригада аъзолари, шунингдек, дарахтларнинг кесилмай сақланишини кузатиб турибди.

Хўжаликларда ҳозирданоқ ипак қурти боқиш учун зарур бўладиган барча нарса — кўмир, қоғоз, ёғоч тайёрлаб қўйиляпти. Демак, улар мавсум бошланганида шошиб қолмайди. Вилоят пиллачилари бу йил ҳам ўтган йилдаги миқдорда — камида 2500 тонна пилла етиштиришмоқчи. Вилоят пиллачилик бошқармаси ҳам хўжаликлар билан ана шу маррани кўзлаб шартнома тузмоқда.

## ЧУВАЛЧАНГ ХОСИЯТИ

Халқаро «Экосан» жамғармаси Тошкент вилояти бўлими тасарруфидаги Калифорния қизил чувалчангини кўпайтириш ва тарқатиш билан шуғулланаётган кичик корхоналар сони кўпаядиган бўлди. Янги корхона учун вилоят ҳокимлиги Янгийўл туманидаги «Озод» жамоа хўжалигидан 1,5 гектар ер майдони ажратди.

— Тупроқ таркибидаги биогумус миқдори бир ярим фоизни ташкил этмаса, ҳосил кўнгилдагидек бўлмайди, — дейди бўлим директори Абдумутал Абдуҳоликов. — Республикамиз шароитида бир сотих экин майдонига ўртача 400 килограмм биогумус бериш лозим. Шунча миқдордаги ўғитни атиги бир неча чувалчанг ёрдамида олиш мумкин. Умуман, бу жондор халқ хўжалиги ва рўзғор чиқиндиларини яхшигина ҳазм қилиб, экологик соф озуқа — биогумусга айлантириб бера олади. Бу эса атроф муҳитнинг мусаффолигини таъминлаш билан бирга экинлар ҳосилдорлигини оширишда деҳқонларга жуда қўл келади.

Н. ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

## ВИЛОЯТ КЕНГАШЛАРИНИНГ СЕССИЯЛАРИ

Жиззахда халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида шу йил 18 январь куни бўлиб ўтган мажлисда Президент Ислом Каримов нутқида баён этилган вазифалар муҳокама қилинди. Вилоят ҳокими Алишер Тошкенбоев шу масала ҳақда маъруза қилди.

Сессияда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар алоҳида таъкидлаб ўтилди, бу борада йўл қўйилаётган камчиликларга эътибор қаратилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан сессия тегишли қарорлар қабул қилди.

***

Андижонда халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Унда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Машариф Юсупов Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 18 январь куни ўтказилган мажлис якунларидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида маъруза қилди.

Сессияда кейинги вақтларда вилоят аҳолисини озиқ-овқат ва халқ истеъмоли моллари билан таъминлаш ўтган йилларга нисбатан сезиларли даражада яхшилангани, шу билан бирга шаҳар ва туманлардаги саноат корхоналарининг бу соҳадаги ички имкониятларидан тўла фойдаланилмаётгани, қўшма корхоналар барпо этишда сусткашликка йўл қўйилаётгани, деҳқон (фермер) хўжаликларининг фаолияти талаб даражасида эмаслиги таъкидланди. Йўл қўйилган хато ва нуқсонларни бартараф этиш, ички имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

***

Халқ депутатлари Сирдарё, вилоят кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳамда айрим вазирликлар раҳбарлари иштирокида шу йил 18 январь куни ўтказилган мажлисда Президент Ислом Каримовнинг сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди. Вилоят ҳокими Ғ.Ҳасанов шу ҳақда маъруза қилди.

Сессияда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

## ИСЛОҲОТЛАРНИ ЎТКАЗИШДА ИЗЧИЛЛИК ЗАРУР

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси ҳузурида шаҳар ва туман ҳокимлари, айрим вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлди. Уни Жўқорғи Кенгес раиси Уббиниёз Аширбеков бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 18 январь куни бўлиб ўтган мажлисда ўртага қўйилган вазифалар ҳамда мамлакатнинг янги парламентига, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгесига ва маҳаллий кенгашларга сайловдан кейин ўтган Жўқорғи Кенгес, туман ва шаҳар кенгашларининг биринчи сессиялари натижалари, шунингдек, аҳолини зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда республикада сусткашликка йўл қўйилаётгани, озиқ-овқат таъминотида узилишлар мавжудлиги, меҳнаткашларнинг турмуш ва иш шароитларини янада яхшилаш лозимлиги, кадрлар сиёсатини тўғри олиб бормай туриб, бу камчиликларни вақтида бартараф этиш мумкин эмаслиги йиғилишда таъкидлаб ўтилди. Республикада иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга ошириш юзасидан муҳим тадбирлар белгиланди.

Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ,
ЎзА мухбири.

## ҒАЛЛА МУСТАҚИЛЛИГИ — ИСТИҚЛОЛ ТАЯНЧИ

**Халқимизнинг асрий орзуси ушалиб, мамлакатимиз истиқлолни қўлга киритгач, дон маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжни асосан ўзимизда етиштирилган ҳосил ҳисобига қондириш, ғалла мустақиллигига эришиш энг долзарб масалалардан бири бўлди. Президентимиз И. А. Каримов «Ғалла мустақиллигига эришмас эканмиз, иқтисодий мустақиллик ҳақида гапириш ортиқча» деб таъкидлаб, ана шу ҳаётий муҳим масалага доимий эътибор бериб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1993, 1994 йилларда суғориладиган майдонларда ғалла етиштиришни кескин кўпайтиришга доир иккита кенг миқёсдаги қарор қабул этилганлиги, уларнинг ижроси изчил назорат қилинганлиги, хўжаликлар иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириб турилганлиги туфайли ялпи ҳосил қарийб ярим миллион тоннага кўпайди. Бу улуғ мақсад йўлидаги дастлабки шаҳдам одимлар бўлиб, 1995 ва 1996 йилларда дон етиштиришни икки баравар кўпайтириш белгиланган. 1995 йил ҳосили учун суғориладиган ерлардаги бошоқли дон экинлари майдони 972 минг гектарга етказилди. 1996 йилда эса 1 миллион 300 минг гектарга кенгайтириш режалаштирилди. Экин майдонларини кўпайтириш билан бирга ҳосилдорликни ошириш, бунинг учун селекция ва уруғчилик ишларини яхшилаш, агротехникага риоя этилиши, ўрим-йиғим энг мақбул муддатдарда, уюшқоқлик билан ўтказилишини таъминлаш зарур. Ана шу масалалар яқинда Қишлоқ хўжалик вазирлигида «Ўзбекистонда 1995 йилда ғалла етиштиришни кўпайтириш ва 1996 йил ҳосили учун хўжаликларни сифатли уруғ билан таъминлаш чора-тадбирлари» мавзусида ўтказилган республика семинар-кенгашида атрофлича муҳокама қилинди.**

### Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигида

Ушбу йиғинни бошқарган ва якунловчи нутқ сўзлаган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Ҳакимович Жўрабеков тармоқ ходимларининг диққат-эътиборини ғалла мустақиллигини таъминлашнинг энг долзарб масалаларига — лалми ва суғориладиган ерларда бошоқли дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш, ўрим-йиғимни уюшқоқлик билан, нобудгарчиликсиз ўтказиш учун пухта тайёргарлик кўриш, қайта ишлаш саноатини замонавий талаблар даражасига кўтаришга қаратди. Асосий маърузачи — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазири Расулмат Ҳусанов ғаллачиликни ривожлантиришнинг барча жиҳатларига батафсил тўхталиб, мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш йўлларини атрофлича таҳлил этди.

Маърузачи таъкидлаганидек, кейинги икки йилда дон экиладиган майдонларни кенгайтириш, ғалла етиштириш ҳажмини кўпайтириш борасида бир қатор ютуқларга эришилди. 1994 йили гектаридан 34,8 центнердан ҳосил олган Андижон, 28,9 центнардан дон етиштирган Наманган вилоятлари ғаллакорларининг муваффақиятлари эътиборга лойиқ. Бир қатор туманларда суғориладиган майдонларда ҳосилдорлик юқори бўлди. Хусусан, Балиқчида бу кўрсаткич 41,3 центнерни, Оқ олтин туманида 33, Жомбойда эса 31 центнерни ташкил этди. Лекин республика бўйича ўртача 25 ўрнига 21,1 центнердан ҳосил олинди. Бухоро вилоятида ўртача 14,6, Тошкент вилоятида 18, Навоий вилояти бўйича 19,4 центнердан, Тўрткўл, Баҳористон, Пахтачи, Меҳнатобод, Бука сингари туманларда 7 — 15 центнердан дон етиштирилганлигини қандай баҳолаш мумкин?!

Ғаллани кузда экишнинг энг мақбул муддатларига амал қилмаслик, агротехника талабига мувофиқ етарлича минерал ўғитлар билан озиқлантирмаслик, ўз вақтида суғормаслик ҳосилдорлик паст бўлганлигининг асосий сабабларидир. 1994 йил ҳосили учун 1993 йил кузида дон экиш бўйича бажарилган ишларни таҳлил этиш буни тасдиқлайди: 20 октябрга қадар суғориладиган майдонларда 276 минг гектарга дон экилиб, бу борадаги режа 37 фоизга бажарилганди. Лалми ерларда 10 ноябргача бу борадаги режа 62 фоизга адо этилганди. 198 минг тонна уруғликнинг 32 минг тоннаси районлаштирилмаган бўлиб, товар фондидан олинганди. Оқибатда 1993 йил 1 декабргача 430 минг гектар, яъни экилган умумий майдоннинг 36 фоизида ғалла униб чиқмаганлиги қайд этилди. Бундай майдонлар Жиззах вилоятида 90 минг гектарни, Қашқадарёда 140 минг, Тошкент вилоятида эса 27 минг гектарни ташкил этди. Ваҳоланки, 20 ноябрдан кейин униб чиққан ғалланинг ҳосилдорлиги энг мақбул муддатларда майса ундириб олинганига нисбатан 30 — 40 фоиз кам бўлади.

Миришкор ғаллакорлар «Кеча пишиб етилмаган дон бугун ўриб-йиғиб олишга тайёр бўлади, эртага эса тўкила бошлайди», деб бежиз айтишмайди. Ғаллани қисқа муддатда, уюшқоқлик билан ўрибйиғиб олиш алоҳида аҳамиятга эга. Акс ҳолда доннинг маълум қисми тўкилиб кетиб, нобуд бўлади. Шу нуқтаи назардан 1994 йилги мавсумни таҳлил этадиган бўлсак, бошоқли дон экинларини ўриб-йиғиб олиш Сурхондарё вилоятида 75 кунга, Қашқадарёда — 62, Самарқандда — 61, Жиззахда — 57, Тошкентда — 62, Сирдарё вилоятида эса 58 кунга чўзилиб кетди. Урим-йиғимга ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрилмаганлиги, агрегатлар ишга шай эмаслиги оқибатида шундай ҳол юз берди. Масалан, Қашқадарёда режалаштирилган 1596 комбайндан 1152 таси ишлатилди. Яъни 404 тасидан фойдаланилмади. Далага чиқарилган агрегатларнинг иш унумдорлиги ҳам кўнгилдагидек бўлмади. Уларнинг ҳар бири билан кунига ўртача 8 гектар ўрнига 4,7 гектардан ғалла майдони ўриб-янчилди. Самарқанд вилоятида 180 та, Сурхондарёда — 163 та, Жиззах вилоятида 188 та комбайндан ўрим-йиғимда фойдаланилмаганлиги улар сифатли тузатилмаганлиги, зарур эҳтиёт қисмлар, ёнилғи билан таъминланмаганлиги оқибатидир. Ўтган йилги нуқсонлардан тегишли хулоса чиқарилиши керак. 1995 йилги ўрим-йиғим мавсумига ҳозирданоқ пухта тайёргарлик кўриш зарур. Зеро, 1994 йил кузида суғориладиган майдонларга аввалгисига нисбатан 220 минг гектар кўп ерга ғалла экилган. Демак, илгаригига қараганда кўп комбайн, ёнилғи, автотранспорт ва бошқа агрегатлар талаб этилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир хўжалик, туман, вилоят ғалла ўрим-йиғимида талаб этиладиган комбайн, ёнилғи, автотранспорт ва бошқа зарур эҳтиёт қисмларни аниқ ҳисоб-китоб қилиб чиқиши, юқори ташкилотлар эса таъмин этиш масаласи билан жиддий шуғулланишлари зарур.

1996 йил мамлакатимизда ғалла мустақиллигини таъминлашда ғоят муҳим босқич бўлиб қолади. Шу йили дон етиштиришни кўпайтириш кўп жиҳатдан 1995 йил ҳосилидан етарлича ва сифатли уруғлик жамғарилишига боғлиқ бўлади. Бу борадаги вазифалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1994 йил 29 декабрда қабул қилинган «Бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилигини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорда белгилаб берилди. Бу йил 1996 йил ҳосили учун жами 286 минг тонна, шу жумладан суғориладиган майдонларга 216 минг тонна уруғлик жамғарилиши зарур. Бундан ташқари келгуси йиллар учун давлат ресурсини вужудга келтириш мақсадида 52 минг тонна уруғлик тайёрланиши керак. Республикамизда ғаллачиликни мустаҳкам асосга қўйишимиз учун уруғчилик борасида белгиланган режалар тўла-тўкис бажарилиши, аввалги йилларда шу соҳада йўл қўйилган камчиликлар такрорланмаслиги лозим. 1994 йили республика бўйича 271 минг ўрнига 147 минг тонна уруғлик тайёрлангани, бу борадаги топшириқ Бухоро вилоятида 27 фоиз, Сурхондарёда 48 фоизга бажарилгани масалага жиддий ёндошишни тақозо этмоқда. Ҳар бир минтақанинг ўз табиий-иқлим шароитига мос келадиган, районлаштирилган уруғлик етарли миқдорда жамғарилмаса, шошилинчда товар фондидан олинадиган, талабга жавоб бермайдиган дон экиб юборилади. Оқибатда ҳосилдорлик паст бўлади. 1994 йил кузида 100 минг тоннадан ортиқ районлаштирилмаган, товар фондидан олинган дон экилганлиги шунинг оқибатидир. Келгусида бундай нохуш ҳолларга йўл қўймаслигимиз керак.

Маърузачи дончиликни тараққий эттиришда янги навлар яратиш, уларнинг ҳар бир минтақа табиий-иқлим шароитига хос агротехникасини ишлаб чиқиш, районлаштириш, бошқа давлатларда экилаётган навларни республикамизга мослаштириш масалаларига алоҳида тўхталди. Буғдойнинг «Интенсивная», «Санзор — 4», «Санзор — 8», «Безостая — 1», «Бахт», «Шердор» сингари навларидан 50 — 65 центнердан дон олиш имконияти мавжудлиги таъкидланиб, суғориладиган ерлар учун мўлжалланган, янада юқори ҳосил олиш мумкин бўлган истиқболли навларни яратиш, районлаштириш юзасидан селекциячи олимлар, уруғчилик хўжаликлари меҳнаткашлари олдида турган вазифалар белгилаб берилди.

Долзарб масалани муҳокама этишда қатнашган — «Ғалла» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Қурбон Эшмирзаев, Қамаши туманидаги «Ғаллакор» жамоа-ширкат хўжалиги раиси Раҳматилла Омонов, республика давлат уруғчилик назорати бошлиғи Умида Абдумавлонова, чорвачилик илмий-тадқиқот институти бўлим мудири Абдулла Ҳолиқов, Қува туманидаги Раҳматов номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Ҳайдарали Қурбонов ва бошқалар дон етиштиришни кўпайтириш борасида эришилаётган ютуқларни таъкидлаш билан бирга тармоқнинг ечимини кутаётган муаммоларига батафсил тўхталдилар. Семинар-кенгаш сўнгида қабул қилинган тавсиялар — дастурий ҳужжатда энг муҳим вазифалар аниқ-равшан белгилаб олинган бўлиб, уларнинг рўёбга чиқарилиши мамлакатимизда ғалла мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

С. САЙДАЛИЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

# КУН ТАРТИБИДА — ТЕРАКЗОРЛАР МУАММОСИ

Мураккаб иқтисодий шароитда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолардан бири — ёғоч саноатини ривожлантиришдир. Республикамизда ёғоч маҳсулотларига бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шунингдек, қоғоз ва гугуртга бўлган эҳтиёж ҳам кам эмас. Республика Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил февраль ойида «Саноат теракчилигини ривожлантириш ва бошқа тез ўсувчи ёғочбоп дарахтзорларни барпо этишга оид чора-тадбирлар ҳақида» махсус қарор қабул қилган эди. Унда республика Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Ўзбекистон Давлат ўрмон хўжалиги қўмитаси хўжаликларида ҳар йили 10 минг гектар майдонда теракзорлар барпо қилиш режаси белгиланган. Кўп хўжаликларда теракзорлар барпо қилинди. Лекин уларнинг парвариши қай аҳволда? Ниҳоллар хўжалик раҳбарларининг эътиборидами?

Куни-кеча Ўзбекистон Давлат ўрмон қўмитасида мамлакат миқёсида ўтказилган семинар-кенгашда ана шу масала атрофлича муҳокама қилинди. Йиғилишда барча вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари, Қишлоқ хўжалик вазирлиги мутахассислари, «Экосан» ва «Маҳалла» хайрия жамғармалари раҳбарлари, республика уруш ва меҳнат фахрийлари уюшмаси фаоллари, нуфузли олимлар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этишди.

Кенгашни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов олиб борди ва мазкур қарорнинг жойларда қандай амалга оширилаётганлигини батафсил таҳлил қилиб берди.

Ғалла каби ёғоч мустақиллигига эришиш мамлакат иқтисодий ислоҳотининг асосий вазифаларидан бири. Маълумки, иморат ёғочсиз қад кўтармайди. Ҳозир четдан келтирилаётган бир куб метр ёғочнинг нархи ўртача 140 америка долларига тенг. Саноат ва қурилишбоп теракларни етиштириш ва кўпайтириш учун ўзимизда барча имконият мавжуд. Фақат астойдил ишлаш керак. Ота-боболаримиз азалдан тол ва терак экиб келишган. Фақат кейинги йилларда бу ишга эътибор сусайиб кетди. Тўғри, қарор қабул қилингандан сўнг хўжаликларда дарахт экиш ишлари жонланди. Ҳатто, терак ва бошқа ёғочбоп дарахт зорлар ташкил қилишни илмий асосда олиб бориш мақсадида қўлланмалар тайёрланиб вилоятларга етказилди. Яқинда бир гуруҳ масъул мутахассислар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда бўлишиб, теракзорлар аҳволи билан танишиб келишди. Жойларда ўтказилган текшириш натижалари шуни кўрсатдики, теракзорлар барпо қилиш Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Фарғона, Андижон вилоятларида яхши ташкил қилинган. Айниқса, Наманган вилоятида бу иш намунали йўлга қўйилган. Бундан ташқари аҳоли ўз томорқаларида тол ва терак қаламчаларини экиб, кўпайтиришга киришган.

Лекин Жиззах, Навоий, Сурхондарё, Самарқанд, Сирдарё, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида теракзорлар барпо қилиш кўнгилдагидек эмас. Бу вилоятларда белгиланган режанинг ўртача 55-65 фоизи миқдорида дарахтзорлар барпо қилинган, холос. Устига-устак терак қаламчалари ерга қадалгач, парвариш қилинмай ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги сабабли минглаб гектар майдонлардаги ниҳоллар қуриб қолган. Чунончи Бухоро вилоятида 458 гектар теракзорнинг 204 гектари, Хоразм вилоятида 582 гектардан 126 гектари, Навоий вилоятида 272 гектарнинг 136 гектари, Қорақалпоғистон республикасининг Бўзатов туманида барпо қилинган 42 гектар теракзорнинг 24 гектари, Қораўзак туманидаги 60 гектар теракзорнинг 23 гектари бутунлай қуриб қолган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Нукус туманидаги энг йирик «Шўртанбай» жамоа хўжалигида 10 гектар майдонга қадалган терак қаламчалари қаровсиз ҳолга ташлаб қўйилиши натижасида қуриб қолган. Шу тумандаги «Дарсел» жамоа хўжалигида эса экиш агротехникаси қоидалари қўпол равишда бузилганлиги сабабли икки гектар майдондаги тераклар умуман кўкармаган. Бўзатов, Қораўзак, Тахтакўпир туманларидаги 11 та хўжаликда ҳам шундай манзарани кўриш мумкин.

Бухоро вилоятида теракзорларнинг энг кўп қисми нобуд бўлган. Жондор туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида ташкил этилган 5 гектар теракзорнинг 4 гектари, Навоий номли жамоа хўжалигида эса 3 гектардан 2 гектари нобуд бўлган. Қоровулбозор туманида режада 50 гектар теракзор барпо қилиниши керак эди. Амалда 12 гектар экилиб, шунинг 11 гектари қуритиб қўйилган. Ахир бу жиноят эмасми? Теракзорларнинг эгаси борми?!

Жиззах туманидаги «Ўзбекистон», Ўсар Ҳотамов номли жамоа хўжаликларида кўчатлар майдонларга экилмай, асосан ариқ ва зовур бўйларига экиш билан кифояланган. Шу туманнинг Навоий номли жамоа хўжалигида 1994 йилнинг баҳорида қаламча қирқишда ва ерларни сифатли тайёрлашдаги йўл қўйилган камчиликлари туфайли тераклар умуман кўкармаган.

Тошкент вилоятининг Пискент туманида 49 гектар майдонга экилган теракларнинг 29 гектари қаровсиз ташлаб қўйилганлиги сабабли қуриб қолган. Раҳбарларнинг лоқайдлиги туфайли миллионлаб дона терак қаламчалари увол бўлган. Бу вилоятларга ёғоч-тахта керак эмасми?

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳот жадал олиб борилаётган ҳозирги пайтда ҳеч ким четда қўл қовуштириб турмаслиги лозим. Иқтисодимизга фойда келтирадиган ишни ҳаётга жорий этмаслик бу — гуноҳ. Теракзорлар ўз эгасини топмас экан, аҳволни ўнглаш қийин.

Наманган вилоятида ҳар бир дарахтнинг эгаси бор. Уларнинг ютуғи ҳам шунда. Ривожланган хорижий мамлакатларда ҳам дарахтзорлар қонун йўли билан ҳимоя қилинади. Аҳоли ўртасида дарахт экиш оммавийлаштирилган. Ҳар бир фуқаро йилига камида иккита дарахт экиб парваришлайди. Хўш, нимага бизда ишни шундай ташкил қилиш мумкин эмас? Аввало, ҳар бир хўжалик раҳбарининг ўзи бу ишда ташаббус кўрсатиши лозим.

Қадимдан халқимиз ёғоч ўймакорлиги, наққошлик каби нафис санъат билан шуғулланиб келишган. Ота-боболаримиз четдан ёғоч-тахта ташиб келтиришмаган. Ҳаммаси ўз тупроғимизда етиштирилган. Терак, тут, ёнғоқ, чинор, қайрағоч, жийда каби дарахт турлари Россиядан келтириладиган ёғочларга нисбатан қаттиқлиги, чидамлилиги жиҳатдан устун туради. Иккинчидан, иссиқ иқлим шароитимизда тез етилади. Жийданинг хосияти ҳаммамизга маълум. Бу шифобахш неъмат чўл шароитида яхши ўсади. Фойдаланилмай ётган ерларда жийдазорлар барпо қилиш мумкин. Энди олма пиш, оғзимга туш деб ўтирадиган замонлар ўтиб кетди. Ҳар ким ўз ташаббуси билан иш юритиши лозим.

Мутахассисларнинг ҳисобича, терак таркибида 40-50 фоиз целлюлоза бор. Ундан ишлаб чиқарилган қоғоз сифатли бўлади. Тажрибалар ҳам шуни кўрсатаяптики, саноатни ва қурилиш корхоналарини ёғоч билан таъминлашда терак ўстириш истиқболли ва иқтисодий жиҳатдан самаралидир. Чунки, бир гектар теракзордан ўртача 600 куб-метр ёғоч материаллари олиш мумкин.

Анжуманда сўзга чиққан нотиқлар тармоқни ривожлантиришга оид кўпгина таклифларни ўртага қўйишди.

Биринчи галда терак ва бошқа ёғочбоп дарахтларни экишни вилоят ва туманлар бўйича худди қишлоқ хўжалик экинларини экиш каби режалаштириш зарур. Теракзорларни тарқоқ ҳолда дуч келган ерда эмас, балки хўжаликлараро махсус ихтисослашган бўлимлар тузиб, яхлит майдонларда ташкил қилиш керак.

Районлараро ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлимлари ўз вақтида теракзор ва бошқа ёғочбоп дарахтзорларда кузатув олиб бориб, ҳашорат ва касалликларга қарши кураш ишларини амалга ошириши лозим.

Теракларни селекция йўли билан танлаб олинган навларини кўпайтириш ва хўжаликларга тарқатиш учун қаламча тайёрлайдиган хўжаликларни ташкил қилиш лозим.

Терак фақат суғориладиган шароитда яхши ўсиб ривожланади. Шуни эътиборга олган ҳолда уларни доимий суғориб туриш мақсадида вилоятлар ва туманлардаги Сув хўжалиги вазирлигига қарашли тармоқлар ўз вақтида сув билан таъминланиб туриш масаласини ҳал қилишлари лозим.

Яна муҳими, теракзорларни ижарачиларга бўлиб бериш айни муддао. Чунки, теракзорнинг эгаси бўлсин. Қилинган меҳнат зое кетмасин.

Семинар-кенгашни бошқариб борган Республика Бош вазири Абдулҳошим Муталов йиғилиш сўнгида бу соҳани ривожлантириш муҳимлигини таъкидлаб, долзарб вазифаларга эътиборни қаратди. Кенгашда бу борада қилинадиган кенг кўламли ишлар белгилаб олинди.

Р. АКБАРАЛИЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»
махсус мухбири.



# СЕМИРТИРИШ ҲИСОБИГА

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асл моҳияти — тармоқни жадал ривожлантириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, аҳолини ғалла, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондиришдир.

Бу борада кўп хўжаликларда хайрли ишлар амалга оширилаяпти. Муаммолар жойларнинг ўзида ҳал этилаяпти. Чорвадор ва деҳқон тадбиркорлик билан иш юритмоқда. Ислоҳот руҳи уларга куч-қувват бағишлаяпти.

Олтиариқ туманидаги хўжаликлараро «Тонг» бўрдоқичилик жамоа корхонаси илгари қолоқ эди. Бу ерда раҳбарлар тез-тез алмаштирилиб турилди. Ем-хашак етишмаслиги натижасида моллар семирмади. Буқалар вазнига етказилмай сўйиб юборилди. Ёш новвослар қишда очиқ молхонада касаликка чалиниб нобуд бўла бошлади. Фермада интизом бўшашиб кетди. Қунимсизлик авж олди. Бир сўз билан айтганда корхона эгасиз қолди.

... Хўжаликка тажрибали мутахассис Абдуманноп Охунжонов раҳбар бўлиб келдию, аҳвол тубдан ўзгарди. У ишни ем-хашак базасини мустаҳкамлашдан бошлади. Озуқа экинлари майдони 767 гектарга кенгайтирилди. Ҳар қарич ердан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинди. Меҳнат зое кетмади. Озуқа режадагидан ортиқ жамғарилди.

Галдаги вазифа ёпиқ молхона қуриш эди. Қурилиш ташкилотлари билан шартномалар тузилди. Қисқа фурсатда янги типовой молхоналар қад кўтарди. Дастлаб 1200 бош қорамол бор эди. Тез орада моллар сони 2100 бошга етди. Корхонага зарур техника воситалари сотиб олинди. Абдуманноп ака молхоналарни механизациялаштириш йўлини қидирди. Бу ерда ҳам калаванинг учи топилди. Қабул пунктларидан ишга яроқсиз узатиш транспортёрлари, эски тасмалар, занжирларни сўраб олди. Эвазига арзон нархда гўшт берди. Корхона қошида устахона очиб чилангарларни иш билан таъминлади.

Ишлар юришиб кетди. Қисқа вақт ичида молхоналар механизациялаштирилди. Қўл меҳнати енгиллашди. Хўжалик иқтисоди бақувватлаша бошлади. Қарзлар узилди. Ишчи ва молбоқарларга шароит яратилди. Қунимсизлик барҳам топди Тушликда бепул иссиқ овқат, ҳафтада икки килограммдан арзон нархда гўшт берилди. Энди улар жон куйдириб ишлай бошлашди. Ем-хашак қатъий рацион асосида берилди. Натижада сўқимларнинг кунлик семириши ўртача 700-800 граммга етди.

— Инсон тадбиркор бўлиб туғилмайди,- дейди Абдуманноп Охунжонов. — Узоқни кўзлаб иш юритиш лозим. Ҳаётдан кўп нарсани ўргандим. Худога шукр, дориламон кунларга ҳам келдик. Муҳими, эркимиз қўлимизда. Илгари арзимаган бир ишни амалга ошириш учун марказқўм остонасида кунимиз ўтарди. Рухсатнома кутиб сарғайиб турардик. Энди ўз ташаббусимиз билан иш юритадиган вақт келди. Оқилона иш қилинса, кўзланган мақсадга албатта эришилади. Навоий ва Тошкент вилояти кенгашларида юртбошимизнинг жон куйдириб гапиргани бежиз эмас. Ислоҳот ҳамма ерда ҳам бирдек амалга оширилмаяпти. Ҳали ҳам кечаги кун руҳи билан яшаётган раҳбарлар бор.

Давлатга ўтган йили 510 тонна гўшт топширдик. Бу йил бу рақам яна ортади. Корхона қошида кичик корхона қурилади. Чет эл ишбилармонлари билан шартнома тузилган. Асбоб-ускуналар Югославиядан келтирилади. Цех ишга тушса, бир кеча-кундузда уч тоннадан зиёд тўққиз хил турдаги гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Ҳа, тадбиркорликда гап кўп. Ҳайрли ишга Яратганнинг ўзи мададкор. Абдуманноп акага ўхшаган фидойи, ишбалармонлар сафи кенгаяверсин.

РАҲМОН АЛИ.

Суратда: корхона ветеринари Муқимжон Орипов ва молбоқар Тўхтарали Жўраевлар қорамолларни кўздан кечирмоқдалар.
Муаллиф олган сурат.

*Қишлоқ — синов*

# ЯНА БИР ХУШНУДЛИК

Чорвадорлар учун ҳар қандай йил — катта имтиҳон. Унинг қиш-қировли, ёмғир-сочинли, жазирама кунлари кўп бўлганидек, чўпон-чўлиқларнинг ташвиши ҳам яйлов тўла қўй-қўзилардай бисёр.

Эсимни танибманки, қўйлар ортидан яйлов кезаман. Чўпонлик оиламиз учун ота касб. 1992 йили отамдан бош чўпонликни қабул қилиб олиб, мустақил равишда иш юритиб келяпман. Отам ҳамиша ёнимда — маслаҳатини, ёрдамини, кези келганда «дакки»сини ҳам аямайди. Укаларим Нормамат, Алишер, Актам, Шоназар — ҳар қандай шароитда кўмаклашишга тайёр жигарларим кўп. Хўжалигимиз раҳбари Тошниёз Раҳимов, бош ветеринар Абдуолим Отамуродов, чорвачиликнинг бошқа мутахассислари ҳам эзгу режаларимни амалга оширишимда доимо мададкор.

Отаримда 730 дан зиёд совлиқ бор. Уларни Жарқудуқ, умуман Нуробод яйловларида яйратиб боқяпмиз. Ҳаммаси соғлом, семиз ва дуркун. Бу йил ҳар юз бош совлиқдан 108-110 тадан қўзи олишни ният қилганмиз. Бултур қўзиларнинг 80 фоизини ўстиришга қолдирган эдик, Бу баҳорда ҳам худди шундай йўл тутамиз. Туёқ сонини қанча оширсак — чорвачилигимиз яна ўз шуҳратини тиклаб олади.

Куни кеча мустақил Ўзбекистонимиз бўйлаб ажойиб хушхабар тарқалди. Юртбошимиз қишлоқ меҳнаткашларининг моддий манфаатдорлигини оширишга доир яна бир фармонга имзо чекди. Гарчи бу бевосита пахта ва бошоқли дон экинлари ҳосили етиштириш ҳамда давлатга сотишни иқтисодий рағбатлантиришга оид муҳим ҳужжат бўлса-да, биз, чорвадорларни ҳам беҳад қувонтирди. Чорвачиликка ва ғаллачиликка ихтисослашган хўжалигимиз аъзолари фармон шарофати туфайли иқтисодиётимиз янада ошишига ишонч билдирмоқдалар. Айниқса ғаллакорларимизнинг қувончи чексиз. Нурободликлар ҳам чорвани, ҳам ғаллачиликни ривожлантиришга астойдил бел боғлашган.

Нормўмин БЕРДИЕВ,
Нуробод туманидаги
«Ўзбекистон» ижара
хўжалиги бош чўпони.

# ХУШХАБАР

· ХОРАЗМДА фуқароларга Ўзбекистон Республикасининг янги паспорти топшириш бошланди. Урганч шаҳрида бу муҳим воқеага бағишланган маросим бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими М. Жуманиёзов фахрийлар, ёшлардан бир гуруҳига фуқаролик гувоҳномаси — паспортларни тантанали равишда топширди. Ҳарбий лицей курсанти С. Абдукаримов, мактаб ўқувчилари — Н. Абдуллаева, Д. Раҳмонова, уруш ва меҳнат фахрийлари О. Мадраҳимов, К. Аксёнов ва бошқалар биринчилардан бўлиб, янги паспорт олди.

* * *

· ЖИЗЗАХ шаҳрида 400 дан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда. Лекин кўплаб кичик корхоналар иқтисодий танглик, сармояларнинг етишмаслиги, банк тизимидаги сансоларликлар оқибатида кутилган натижаларга эриша олмаяпти.

Шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган тадбиркорлар йиғинида ана шу муаммолар хусусида фикрлашиб олинди.

* * *

· ТУРТКЎЛ туманидаги кўп тармоқли»Шўрахон» жамоа хўжалигида шакар ишлаб чиқарувчи кичик корхона ишга тушди. Қорақалпоғистонда ягона ҳисобланган лавлагини қайта ишловчи мазкур корхона бир кеча-кундузда 400 килограмм новвот, парварда, печакқанд, печенье, торт каби ширинликлар ишлаб чиқаради.

# ЧОРВАДОРЛАРГА МАДАД

Қоракўлчиликка ихтисослашган Пешку туманидаги «Жонгелди» ва Ромитан туманининг «Қизилравот» давлат хўжаликларига қарашли 10 минглаб қўй-қўзи Қизилқум яйловларида боқилади. Қишнинг изғиринли кунларида вазифаларини сидқидилдан адо этаётган чўпонлар аҳволидан хабар олиш, уларни зарур истеъмол моллари билан таъминлашга «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Бухоро вилояти бўлими муносиб ҳисса қўшмоқда. Яқинда мазкур жамғарма ташкил қилган автопоездда чорвадорларга 70 минг сўмликдан зиёд шакар, гуруч, шунингдек, иссиқ кийимлар етказиб берилди.

(ЎзА).

# УМР МАЗМУНИ

Давра суҳбатларида, ўзаро мулоқотларда ишлаб чиқаришнинг бирон бир соҳаси ёки илму фаннинг у ёки бу йўналиши ҳақида фикр юритилиб, бу борада кейинги йигирма-ўттиз йил давомида қўлга киритилган муваффақиятлар тилга олинса, ана шу ютуқларнинг эришилишига катта ҳисса қўшиб келаётган фидойи инсонларнинг муътабар номлари бир-бир санаб ўтилади. Мамлакатимизда қўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилишига, қишлоқ хўжалигининг ривожлантирилишига, хусусан унинг муҳим тармоғи ҳисобланган чорвачилик равнақига муносиб улуш қўшиб келаётган моҳир мутахассислар, ажойиб ташкилотчилар ҳақида гап борганида, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, ветеринария фанлари номзоди Ислом Султонович Умаровнинг номи ҳурмат-эътибор билан тилга олинади. Бу бежиз эмас, албатта. Ўз соҳасининг билимдони, жонкуяри қарийб қирқ йилдан бери чорвачиликни тараққий эттиришга катта ҳисса қўшиб келаяпти.



1956 йил Москва ветеринария академиясини муваффақиятли тугатган И. С. Умаров ўзининг меҳнат фаолиятини Қашқадарё вилоятидаги «Ғузор» совхозида ветеринар вазифасидан бошлаганди. Бу хўжаликда чорвачиликни ривожлантиришга муносиб улуш қўшди. Кейинчалик Самарқанд вилоятидаги «Қарнаб» наслчилик хўжалиги бош ветеринари этиб тайинланди. Бу ерда ҳам касбига сидқидил ёндошиши, ташкилотчилиги ва бошқа хислатлари билан ҳурмат-эътибор қозонди. У чорвачилик равнақи ҳақида жон куйдирар экан, фаннинг энг сўнгги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишга, ўзи ҳам янгиликлар яратишга интилди. Ташкилотчилик жиҳатлари ҳисобга олиниб, кейинчалик у республика Кишлоқ хўжалиги вазирлигида, Сирдарё, Жиззах вилоятлари бошқарув бўғинларида масъул лавозимларга тайинланди. Ўн беш йилдан ортиқ вақт давомида Мирзачўл, Жиззах дашти забткорлари сафида бўлиб, турли вазифаларда ишлади. У йирик идора, туман, вилоят раҳбари сифатида халқ хўжалигини ривожлантиришга ҳисса қўшиш билан бирга бир неча чақириқ республика Олий Кенгаши депутати сифатида эл-юртимиз иқтисодиёти ҳақида қайғурувчилар сафида бўлди.

Ислом Султонович республикамизнинг қаерида хизмат қилмасин, ўз ихтисослиги бўлган чорвачиликни ривожлантиришга, бу тармоққа фан ютуқларини тобора кенгроқ тадбиқ этишга, наслчилик ишларини яхшилашга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Янгиликларни чорвачиликка тадбиқ этиш йўлидаги кўп йиллик изланишлар, тажрибалар ўз самарасини кўрсатди. Ана шу тадқиқотларнинг ифодаси сифатида унга ветеринария фанлари номзоди илмий даражаси берилган. Соҳа жонкуяри ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги тизимидаги наслчилик ишлари бўйича илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори вазифасида ишлаб, чорва моллари зотини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириш борасидаги изланишларга, амалий ишларга бош-қош бўлмоқда.

У билан узоқ йиллардан бери бирга ишлаб, яқин мулоқотда бўлиб келаётган кишилар Ислом Султоновичнинг аҳил оиласига, катта хонадонига ҳавас билан қараб, доимо ўрнак оладилар. Ислом Умаров рафиқаси Пўлатхон опа билан олти фарзандни вояга етказиб, эл-юртимизнинг муносиб кишилари қилиб тарбиялашди. Улар ҳозирги пайтда ишлаб чиқариш ва маънавиятнинг турли соҳаларида фаолият юритишмоқда ва катта хонадоннинг қутлуғ анъаналарини давом эттиришаяпти. Соҳа жонкуяри қувончу ташвишлар, изланишлар билан йўғрилган умрнинг катта бир довонидан ўтиб, ўзининг олтмиш биринчи баҳорига янги орзулар, режалар билан пешвоз чиқмоқда.

Х.АКБАРОВ,
Ўзбекистон фанлар
академиясининг ҳақиқий
аъзоси.

# ЭЛИПОКДА БОҒЛАР КЎП, КАЙФИЯТИ ЧОҒЛАР КЎП

Тойлоқ районидаги «Элипок» жамоа-ширкат хўжалигига кириб келишингиз билан боғу эрам ҳақидаги ривоятлар эсга тушади. Айниқса, баҳор чоғлари йўлнинг икки томонидаги оппоқ либосга ўралган олмазорлар кишини беихтиёр ўзига чорлайди.

Олмазорлар узумзорларга туташиб кетади. Яна қарабсизки, шафтолизор, тутзорлар... Бири-биридан гўзал манзаралардан кўз узолмайсиз. Йўл ёқаларидаги терак дарахтлари бизларга ҳам қиё боқинг, деб тилга киргандай туюлади. Қуёш шуъласида ял-ял ёнаётган боғу-роғларга маҳлиё бўлиб Галаботир қишлоғига етиб келганингизни сезмай қоласиз. Мени бу ном қизиқтирди.

— Қадим-қадимда қишлоққа беш-ўнта отлиқ бостириб кириб, эл мулкига чанг солишмоқчи бўлган, — деб изоҳ берди шеригим. — Қишлоқ йигитлари ёш теракларни таг-томири билан суғуриб, босқинчиларга ҳамла қилишади. Келгиндилар бу қишлоқда Галаботир яшаркан, деб қочиб қолишади...

— Қишлоқда қайси тармоқ ривож топган?

— Тармоқ кўп, лекин асосан боққа эътибор берилган. Томорқаларда ҳам боғ бор.

Шу куни Тўхтамурод Худойназаровнинг уйига бордик. Боғини кўриб уй соҳибларига ихлосим ошди. Боғда 54 туп олма дарахти бор.

— Ҳар тупи 200 килодан мева беряпти. Куни кеча ўғлим Эркин Тошкентга икки тонна олма олиб кетди.

— Авваллари ҳам олма мўл бўлганми?

— Бултурги совуқ кўпчилик боғбонларни шошириб қўйди. Лекин миришкорлар ҳосилни асраб қолишди. Улар ўша совуқ кечалари ухлашмади. Дарахтларни чилла сувига қондириб, қўшимча ишлов беришди, озиқлантиришди. Бизлар ҳам шу қоидаларга амал қилдик. Муртазо Усмонов исмли ўқитувчи дўстим бор. У боққа ишқибоз. Совуқ кечалари ухламай чиқдик.

— Кейин олмаларни сақлай билиш ҳам керак, — дея сўзини давом эттирди ҳамроҳим. — Олма роса пишиб етилгач, битта-битталаб авайлаб узиб олинади. Ерга тушган мева шикастланади. Уни асраб бўлмайди. Олма узиладиган кун қариндош-уруғлар ёрдамга келишади. Бари ишга енг шимаради. Бир кунда бир тоннадан ошириб олма териб оламиз. Меваларни сақлаш учун махсус хона бор. Қаттиқ қиш кунларида ҳам у ерда мева музламайди.

Оилада етти фарзанд бор. Улар ёшлигидан меҳнатга ҳавас қўйишган. Эркин эса тадбиркор. Унинг югуриб-елиши натижасида хўжаликда нон цехи қурилиб ишга туширилди. Янги йил арафасида гилам тўқила бошланди. Ёғ ишлаб чиқарадиган цех, ун тегирмон борлиги ҳам дилларни хушнуд этмоқда.

—Ҳозирча Эркинбой бошлиқ кичик корхонада 17 киши ишлайди. Ҳаммаси ўзимиздан: қизим, куёвим, жияним, сингиллар... Яқин орада корхонада меҳнат қилаётганлар сафи кўпаяди. Қишлоғимизга саноат тармоқлари кириб келаётганлигидан хурсандмиз.

Кичик корхонани ташкил этишга каттагина маблағ сарфланган. Эркинбой қийинчиликдан қўрқмади. Давлатдан қарз олди. Ҳар бир сўмдан ўринли фойдаланди. Олмадан келган даромад иш бераяпти...

Қаловини топган қорни ёндиради. Эркин ҳам ана шу нақлга амал қилди. Ҳар бир ишни бошлашдан олдин обдон ўйлади. Тадбиркор устозлар этагини маҳкам ушлади. Ҳар қадамда отаси билан маслаҳатлашди. Бошлаган иши яхши самара беришига ишонди. Хўжалик раҳбарларига учрашиб, ер сўраб олди. Ғалла экиб, яхшигина хирмон кўтарди. Ҳар куни иссиқ нонлар ёпиляпти. Нархи арзон. Бу йил зиғир билан кунжут экмоқчи. Ёғ учун маҳсулот ўзингдан чиққанига нима етсин!

Дарвоқе, Элипокда боғлар кўп, кайфияти чоғлар кўп. Ким билан суҳбатлашманг ажойиб боғроғлар барпо этилаётганлигини фахр билан сўзлашади. Меҳнат эвазига бойликларига-бойлик қўшилаётганлигидан хушнуд, улар.

Тўхтамурод Худойназаров ҳам ҳаётдан мамнунлигини яширмади. У район агросаноат комбинати раҳбари, яхшигина маош олади. Мукофот пуллари ҳам бор. Лекин у раҳбарман, деб гердайиб юрмайди. Ишдан бўш вақтларда, дам олиш кунлари қўлидан кетмон тушмайди. Хонадон олмаю аноргача, сабзию пиёзгача бозордан сотиб олмайди. Бу йилдан бошлаб нон билан ёғ ҳам ўзларидан чиқаяпти. Сут, қатиқ, қаймоқ ёзу қиш топилади. Қўш сигирлари бор.

Элипокда бундай бадавлат ва хушнуд хонадонлар кўп.

Бозор ЭРҚОРОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» махсус мухбири.

